



# О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI HOKIMINING QARORI

Samarqand sh., Ko‘ksaroy maydoni, 1-uy.

2022 йил «21» январь

34-7-0-Q/22

Самарқанд вилояти ҳокимлиги

**“E-IJRO AUKSION” электрон онлайн-аукцион савдо майдончасига чиқариш учун ер участкаларига мулк ва ижара ҳуқуқининг минимал қийматини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 декабрдаги “Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун бўш турган ер участкаларини бериш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1023-сонли қарорига мувофиқ вилоят Молия бош бошқармаси, вилоят Давлат солиқ бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси Самарқанд вилоят бошқармасининг тавсияларини инобатга олиб,

## Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят Молия бош бошқармаси, вилоят Давлат солиқ бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлигининг Самарқанд вилоят бошқармасининг тавсиялари асосида ишлаб чиқилган “E-IJRO AUKSION” электрон онлайн-аукцион савдо майдончасига чиқариш учун ер участкаларига мулк ва ижара ҳуқуқининг минимал қиймати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, вилоят Қурилиш бош бошқармаси (Л.Хамидов), Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлигининг Самарқанд вилоят бошқармаси (Ф.Худайқулов) юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аукцион савдоларига чиқарилишини таъминласин.

3. Вилоят Қурилиш бош бошқармаси (Л.Хамидов), вилоят Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси (Ш.Сабилов), шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари электрон онлайн-аукцион савдо майдончаси орқали сотилган ер участкаларидаги мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилиши устидан белгиланган тартибда мониторинг олиб борсин.

4. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари – матбуот котиби (М.Мирзаев), вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” давлат унитар корхонаси (А.Анваров) мазкур қарорни “Зарафшон” ва “Самарқандский вестник” газеталарида эълон қилинишини ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

5. Вилоят ҳокимининг 2021 йил 16 январдаги “E-IJRO AUKSION” электрон онлайн-аукцион савдо майдончасига чиқариш учун ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқининг минимал қийматини тасдиқлаш тўғриси”ги 5-Қ-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (А.Шукуров, О.Ходжаев) зиммасига юклатилсин.

7. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов

Самарқанд вилоят ҳокимининг  
2022 йил 21 январдаги  
34-7-0-Q/22-сон қарорига  
1-илова

“E-IJRO AUKSION” электрон онлайн-аукцион савдо майдончасига чиқариш учун ер участкаларига  
мулк ва ижара ҳуқуқининг минимал қиймати

(сўмда)

Т/р	Туман ва шаҳарлар номи	*Бир йиллик солиқ суммаси (1 га учун)	**Ер участкасининг жойлашган жойи бўйича туман ва шаҳарларни иқтисодий ривожланишига қараб белгиланган коэффицентлари	«Давергеодезкадастр» қўмитаси органларининг ер участкасини танлаш материалларини тайёрлаш ишларининг қиймати				Архитектура ва режалаштириш топшириғини (АРТ) ишлаб чиқиш учун БХМ нинг 4 баравари	Ер участкасини танлашга доир бошқа материалларни тайёрлаш учун БХМ нинг 2 баравари
				0,01 гектардан кўп бўлмаганда БХМ нинг 2 баравари	0,01 гектардан кўп, лекин 0,05 гектардан кўп бўлмаганда БХМ нинг 3 баравари	0,05 гектардан кўп, лекин 0,1 гектаргача бўлганда БХМ нинг 4 баравари	0,1 гектар ёки ундан кўп бўлганда БХМ нинг 5 баравари		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1	Самарқанд шаҳри	45 500 000	0,7-3,0	540 000	810 000	1 080 000	1 350 000	1 080 000	540 000
2	Каттақўрғон шаҳри	40 250 000	0,7-3,0	540 000	810 000	1 080 000	1 350 000	1 080 000	540 000
3	Оқдарё туман	35 350 000	0,7-3,0	540 000	810 000	1 080 000	1 350 000	1 080 000	540 000
4	Булунғур туман	35 350 000	0,7-3,0	540 000	810 000	1 080 000	1 350 000	1 080 000	540 000
5	Жомбой туман	38 500 000	0,7-3,0	540 000	810 000	1 080 000	1 350 000	1 080 000	540 000
6	Иштихон туман	35 350 000	0,7-3,0	540 000	810 000	1 080 000	1 350 000	1 080 000	540 000
7	Каттақўрғон туман	35 350 000	0,7-3,0	540 000	810 000	1 080 000	1 350 000	1 080 000	540 000
8	Кўшработ туман	35 000 000	0,7-3,0	540 000	810 000	1 080 000	1 350 000	1 080 000	540 000
9	Нарпай туман	35 350 000	0,7-3,0	540 000	810 000	1 080 000	1 350 000	1 080 000	540 000
10	Пайарик туман	35 350 000	0,7-3,0	540 000	810 000	1 080 000	1 350 000	1 080 000	540 000

10	Пастдарғом туман	36 750 000	0,7-3,0	540 000	810 000	1 080 000	1 350 000	1 080 000	540 000
11	Пахтачи туман	35 000 000	0,7-3,0	540 000	810 000	1 080 000	1 350 000	1 080 000	540 000
12	Самарканд туман	38 500 000	0,7-3,0	540 000	810 000	1 080 000	1 350 000	1 080 000	540 000
14	Нуробод туман	35 000 000	0,7-3,0	540 000	810 000	1 080 000	1 350 000	1 080 000	540 000
15	Тайлоқ туман	36 750 000	0,7-3,0	540 000	810 000	1 080 000	1 350 000	1 080 000	540 000
16	Ургут туман	38 500 000	0,7-3,0	540 000	810 000	1 080 000	1 350 000	1 080 000	540 000